

# ФАЛСАФА ВА ХУКУК

# ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ - МАЃРИФИЙ, ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

3  
2023

*FALSAFA va HUQUQ*  
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО  
*PHILOSOPHY and LAW*

## МУНДАРИЖА:

<b>Усманов М.Ш.</b>	<i>Барқарор ривожланиши мақсадлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш</i>	4
<b>Абдураманов Х.Х.</b>	<i>Ўзбекистонда демографик дивидендинг шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиши ўйлари</i>	7
<b>Ахмедов Э.К.</b>	<i>Янги Ўзбекистондаги модернизациялаш жараёнларида багрикенгликни таъминлаш</i>	12
<b>Шоимов А.Р.</b>	<i>Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги масалалари</i>	16
<b>Юлдашев А.Э.</b>	<i>Жадидчилик ҳаракатида давлат фуқаролик хизмати масаласи</i>	20
<b>Хусанов Б.Э.</b>	<i>Инсон - эстетик тарбиянинг асосий омили</i>	24
<b>Исламходжаев Х.С.</b>	<i>Административное право в системе публичного и частного права.</i>	28
<b>Жиянмуратова Г.Ш.</b>	<i>Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари</i>	35
<b>Teshaboev M.M.</b>	<i>Ijtimoiyadolat va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tamoyillari</i>	39
<b>Исмаилов Ж.Ж.</b>	<i>«Мягкие» стратегии противодействия радикализации общества: опыт зарубежных стран</i>	43
<b>Иҳтиёров М.Р.</b>	<i>Телевидениенинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ижтимоий-фалсафий омиллари</i>	47
<b>Мажидов Ш.А.</b>	<i>Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахслар тушиунчасининг назарий масалалари</i>	51
<b>Турабова С.К.</b>	<i>Илмий баҳс – долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этишининг мантиқий-эпистемик асоси</i>	55
<b>Иzzатуллаев Б.И.</b>	<i>Aқи ташқи сиёсатида рақамли дипломатия тараққиётининг асосий босқичлари</i>	60
<b>Ўлмасхўжаев З.А.</b>	<i>“Давлат ва миллий хавфсизлик” тамоилини илмий тадқиқ этишининг назарий шарт шароитлари</i>	65
<b>Насимов А.А.</b>	<i>Ахборотлашган жамиятда ахлоқий қадриятларнинг ахборот хуружларини олдини олишдаги ўрни</i>	70
<b>Мардиева М.</b>	<i>Тилнинг жамиятдаги мұхым ўрни</i>	75
<b>Маҳкамов Қ.</b>	<i>Тарихий онг - миллий ижтимоий хотирани ривожлантириши омили</i>	79
<b>Тургунова Н.Т.</b>	<i>Ёшлар сиёсатини амалга оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги</i>	83
<b>Абдиев F.Е.</b>	<i>Янги Ўзбекистон ёшлари сиёсий онгини юксалтириши</i>	88
<b>Камилов Ф.О.</b>	<i>Ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиши бўйича хориж тажрибаси</i>	93
<b>Усенов Ж.</b>	<i>Ёшларнинг миллий менталитетини шакллантиришда маънавий мероснинг аҳамияти</i>	98
<b>Азамова М.</b>	<i>История развития национальных видов спорта</i>	103
<b>Утемуратова С.Ш.</b>	<i>Экологияни жиноиий-ҳуқуқий муҳофаза қилиши</i>	107
<b>Ташаев Л.А.</b>	<i>Ёшлар билан ишлашда ахлоқий идентикликтарнинг назарий-методологик таҳлили</i>	111
<b>Расулов Р.</b>	<i>Ёшлар билан ишлашда тарбиянинг мағкурафий асослари.</i>	116
<b>Хусанов F.Е.</b>	<i>Оиланинг маънавий-ахлоқий қадриятларни ривожлантиришдаги</i>	121

	фалсафий негизлари	
<b>Таирова Г.М.</b>	<i>Жиноят содир этилишининг сабабларига доир макро-социологик таълимомотлар</i>	125
<b>Абдуллаев Ж.А.</b>	<i>Азизиддин Насафийнинг инсон келиб чиқиши ва абадий қайтии масаласи ҳақидағы қараашлари</i>	130
<b>Исламходжаева М.А.</b>	<i>Сравнительный анализ защиты прав молодежи в зарубежным странах.</i>	135
<b>Турғунбоев Ж.Ж.</b>	<i>“Ақл марказ”ларини тадқиқ этишининг назарий- концептуал асослари</i>	138
<b>Бутоев И.У.</b>	<i>Соғлом турмуши тарзининг шаклланишида тарихий маънавий мероснинг ўрни</i>	143
<b>Хожиев Р.Б.</b>	<i>Креативлик феноменининг генезиси ва шаклланиши</i>	148
<b>Абдуллаев И.А.</b>	<i>Ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришида умуминсоний маънавий мероснинг ўрни</i>	152
<b>Нуруллаева Дж.С.</b>	<i>Правовые аспекты управления международным спортивным движением</i>	157
<b>Аметов А.Қ.</b>	<i>Миллий маънавий қадриялар – инсон қадрини улуглаши омили</i>	162
<b>Расулов Х.М.</b>	<i>Сиёсий жараёнларда сиёсий маданиятнинг намоён бўлиши хусусиятлари</i>	166
<b>Мирджамалова Н.З</b>	<i>Хотин-қизларнинг соғлом тарзини шакиллантиришининг педагогик асослари</i>	170
<b>Улфатиллаева С.С.</b>	<i>Ҳадис илми классификацияси</i>	175
<b>Равшанов А.С.</b>	<i>Баркамол авлодни тарбиялашида маънавият ва миллий қадрияларни ўрни</i>	180
<b>Акилова Ў.М.</b>	<i>Маърифатли жамият барпо этишининг маънавий омиллари</i>	185
<b>Равшанова Г.А.</b>	<i>Ўзбекистоннинг янгиланиши жараённида фуқаролик жамиятини ривожлантиришидаadolатли давлат гоясининг маънавий омиллари</i>	189
<b>Алимухамедова Н.Я.</b>	<i>Глобал интеграция жараёнларида маданиятлар хилмачиллигини сақлагаши масаласи</i>	193
<b>Ботирова Ҳ.Э.</b>	<i>Жанубий вилоятларда аграр соҳа ходимларининг майший турмуши ва ижтимоий ҳимоялаши масалалари</i>	197
<b>Мамадаминова Б. А.</b>	<i>Ўрта асрларда ирригация тизимларининг ривожланиши ва тарихи</i>	202
<b>Хакимова М.А.</b>	<i>Ўзбекистон тараққиёти ва ёшлар маънавияти</i>	206
<b>Ҳамраев С.</b>	<i>Мулкдорлик ва тадбиркорлик фаoliятининг ижтимоий- фалсафий мазмуни</i>	211
<b>Қиём Назаров</b>	<i>Маънавият илми даргаси</i>	215

## ЎРТА АСРЛАРДА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШИ ВА ТАРИХИ

**Б. А.Мамадаминова –**  
*тарих фанлари  
бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент*

ИХ-Х асрларда Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ирригация тизимининг, суғорма дехқончилик маданиятининг ривожланиши ва такомиллашувида катта аҳамиятни касб этди.

Сунъий суғоришга асосланган суғорма дехқончилик маданияти ИХ- ХИИИ аср бошларида тез ривожлана бошлади. Бу даврда Ўрта Осиёда Самонийлар (819-1005), Қорахонийлар (998-1212) ва Хоразмшохлар (1077-1221) давлатлари даврида нафакат ирригация ва суғориш технологияси, шунингдек Амударё ва Сирдарё куйи оқимидағи суғориладиган ер майдонлари янги ўзлаштирилган ер хисобига 2,7 млн га етди, жумладан интенсив суғориладиган ерлар майдони 1,7 млн га ташкил этди. Бу келтирилган кўрсаткич рақамлар антик ирригацияси ривожланган даврдаги суғорилган майдонларнинг 2/3 қисмига тўғри келган.

Самонийлар сулоласи даврида (819-1005 й.) қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Моварауннархнинг асосий вилоятларидан бири Зарафшон водийси хўжаликнинг барча турлари, жумладан суғорма дехқончилик маданияти яхши ривожланган. Натижада ИХ асрда Моварауннах қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатга айланган эди.

Географияяга оид ИХ-Х аср адабиёти Моварауннахда ўстирилган қишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисида берган маълумотга қараганда, Зарафшон, Қашқадарё водийлари, Фарғона, Илок, Шош ва Хоразмда қишлоқ хўжалиги сунъий суғориш асосида олиб борилган ҳамма ерда дехқонлар буғдой, арпа, шоли, тариқ, пахта экишган.

Ўрта асрларда ҳам дарёдан сув олинадиган магистрал каналларнинг бош қисми стратегик аҳамиятга эга бўлган ва ҳозирги кунда ҳам бу талаб сақланмоқда.

Ўрта асрларда ўзга мамлакат босқинчилари ҳукумдорлар ва маҳаллий зодогонлар каналларнинг бош қисмини эгаллаб, ёки бузиб юбориб аҳолини сувсиз қолдириб, ўз мақсадларига эришмоқчи бўлганлар. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Сўғдиёналиклар 721- йилда кўзғолон кўтаришганда Хуросон ноиби Сайд Ҳусайн Самарқанд шахар ва унинг атрофидаги аҳолини сувсиз қолдириш учун Варгасардаги Дарғом каналининг бош қисмини беркитишга харакат қилган. Лекин Сўғдлар Варгасарни қаттиқ кўриклиб ҳимоя қилганлар. Шунингдек, 735- йилда Моварауннах араб халифасига қарши кўзғалон кўтарилилганда Хуросоннинг ноиби Асад ибн Абдуллоҳ ҳам Самарқанд шахри ва унинг атрофидаги аҳолини сувсиз қолдирмоқчи бўлган. Лекин бу гал ҳам Хуросон ноиби ўз мақсадига эришолмаган. Илк ўрта асрларда Варгасарда Дарғом канали сув тўсғич иншооти қурилганда кучли кўрғон ҳам қурилган бўлиб, каналнинг бош қисми кучли ҳарбийлар томонидан кўрикланиб келинган. Насафий маълумотларига қараганда Варгасарда кучли армия - 400 нафар отлиқ, 1200 жангчи аскар турган. XV асрда (Варгасар) Равотхўжа кўрғонида Шавдар тумани ҳарбий бошлиғи яшаган.

Ўрта Осиё ва Эрондаги йирик ер эгалигининг характерли хусусияти шуки, ер эгалари ўз эрларда йирик хўжалик ишларини олиб бормаган ва ўз ерларига крепостной дехқонлар меҳнати билан экин экмаган. Йирик ер эгалари одатда ўзларининг ерларини кичик ер майдонига бўлиб, уларни чорикорлик асосида муҳтоҷ бўлган барча кишиларга берилган. Ана шу тариқа улар чорикорлик ижара асосида ер олиб экин экиш улар учун тирикчилик манбаи бўлиб хизмат қилган.

Сомонийлар давлати дехқончиликнинг ривожланишига ва у билан боғлиқ ирригация тизимининг яхшиланишига алоҳида эътибор берган. Натижада суғориш шахобчалари бир

мунча кенгайған, сув иншоотлари(каналлар, ариқлар) нинг кўплаб қазилиши натижасида зироатчилик ва боғдорчилик тез ривожланди.

Араб сайёхи, географ Ибн Ҳавкалнинг ёзишича Сўғд (Зарафшон) дарёси Бухорогача обод қишлоқлар орқали оқиб борган. Бухорода 17 та суғориш шахобчалари барпо этилиб, суғорма дехқончилик маданиятининг ривожига хизмат қилган. Кўп сонли суғориш иншоотларини таъмирлаш, кенгайтириш, улардан зарур хажмда оби ҳаёт оқизиш тегишли давлат мутасадиларнинг зиммасида бўлган. Биргина Мурғоб водийсида 10 минг нафар мансабдор кишилар сув иншооти ва таъминоти билан шуғулланганлар.

Ўрта аср ирригациясининг ривожланишида Ўрта Осиёлик алломалардан математик ва астроном Мухамад ибн Мусо Хоразмий, энциклопедик, серқирра олим Абу Райхон Беруний, Ахмад Фарғоний ва бошқа кўплаб ўз даврининг етакчи олимларнинг ўрни нихоят катта. ИХ-ХИ асрларда математика, геометрия, физика, астрономия ва бошқа табиий фанларнинг ривожи ирригация тизимининг ривожланишига катта туртки бўлган. Масалан, Абу Райхон ал-Беруний ўзининг “Ўтмиш аждодлардан қолган хотиралар” номли китобида сув манбаларининг жойлашиши, каналлар йўналишини аниқловчи, ер сатхини ўлчовчи, ернинг қиялигини ўлчовчи ускуналар тўғрисида маълумот берган.

Сунъий суғоришнинг ривожланишида айнан X-XII асрларда катта дарёлар бўлмаган худудларида, тоғ дараларида қурилган кўплаб сув омборлари ҳал қилувчи аҳамиятни касб этган. Бу омборларнинг кўпчилиги баҳорги сел оқимининг тўпланиши учун қурилган. Шулардан бири Нурота тоғ дарасидаги Хонбанди сув омбори Фориш шаҳрини яқинида (12-15 км).

Ушбу тўғоннинг устки узунлиги-24.45 м, баландлиги-15.25 м, юқори томони қалинлиги-2.30 м, пастки томони бўйига-8.20 м. Тўғонда саккизта сув ўтказувчи тешик бўлиб, сувнинг кўпайиши ёки камайиши ҳам ҳисобга олинган. Тешикларнинг ўртacha кенглиги 45-70 см, баландлиги 50-100 см.

Тўғон олдида узунлиги 1.5 км иборат, эни 52 м, дарёning бошланиш қисмида 200 м, умумий сифими 1.5 млн м<sup>3</sup> бўлагн сув омбори, Калтепин чўлидаги 1500 га ернинг суғорилишида манба сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. Калтепин чўли Хонбанди тўғонидан 4 км узоқликдаги худуд.

Академик, археолог Я.Ф. Гуломовнинг археолог маълумотларига таяниб таъкидлашича Калтепин чўли X аср даврига таълуқли.

Бу даврга келиб энг қадимги даврда Хоразмнинг (ўнг қирғони)да қурилган Қирқ-Қиз канали қайта қурилди. Ўрта асрларда қурилган магистрал каналлар 100-150 км узунликда қазилган. Хоразм (чат қирғони) Чермоняб канали 150 км бўлиб, унинг ўртacha кенглиги 12 м бўлган. Ушбу каналнинг 100 км узунликдаги ер қазиш хажми 1 млн м<sup>3</sup> ни ташкил этган. Чермоняб канали хавzasида суғориладиган умумий майдони 35-40 минг га бўлган.

Ўрта аср ирригация техникаси ютуқларидан бири сув кўтариб берувчи иншоот, яъни чиғирнинг кашф этилиши ва унинг ИХ-ХИ асрларда Хоразмда кенг қўлланиши суғорма дехқончиликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятни касб этди. Айниқса суғориш каналларида сув сарфининг пасайиб кетганида чуқур каналдан сувни кўтариб беришда чиғир иншооти катта рол ўйнаган.

Кўзга кўринган ирригатор В.В. Цинзерлинг фикрича чиғирни қўллаган ҳолда суғориш Амударё дельтасида техник жихатдан сув сарфи оддий каналларда оқиб келган сув билан суғоришга нисбатан 30-50 фоиз кам бўлар экан. Шунингдек ерларнинг шўрланиши ва суғориш тизими тармоқларини тозалаш учун олиб бориладиган иш хажми анча кам бўлар экан. Энг муҳими ер ва сув захираларидан самарали фойдланиш имконияти кўпроқ бўлад.

ИХ-Х асрларда Моворунахрда қишлоқ хўжалиги сунъий суғориш асосида олиб борилган ҳамма ерда дехқонлар буғдой, арпа, шоли, тариқ, пахта ва бошқа маданий экилган. X асрда боғдорчилик юксак даражада бўлган. Маворунахр ва Хоразмда суғоришга асосланган қишлоқ хўжалиги ўз даврида тез ривожланган. Арабистонлик сайёҳ, географ

Истахрий Зарафшон водийсини тасвирлар экан, унинг серҳосиллигидан завқланади. Бухоро вилоятининг дарё водийсининг этагида ўсимликлар билан кўм-кўк гилмдек бўлиб қолгани уни қоил қолдирган. IX-XII асрларда Ўрта осиёда қатор худудлар каби Фарғона водийсида ҳам суғорма дехқончиликка эътибор янада кучайган. Ўта мураккаб суғориш иншоотларининг қурилиши ва каналлар тармоқларининг кенгайиши натижасида суғориладиган ерлардан олинадиган осил кўпайган. Ана шу тариқа бу водий ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланган худудга айланган. Аҳолининг меҳнацеварлиги, ер ва захиралари мавжудлиги ҳам мухим омил сифатида катта аҳамият касб этган.

Фарғона водийсида ҳам суғорма дехқончилик маданияти қадимдан ривожланиб келган. Тадқиқотчиси Исоковнинг ёзишича Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг қадимдан дехқончилик маданияти ривож топган ўлкалардан бири бўлган. Водий дехқончилигига оид X-XI асрларга оид маълумотлар араб манбаларида ҳам учраганлиги, хусусан араб сайёхлари, географлари Истахрий, Абу Ҳаим ибн Ҳавҳол, Абу Саъд ас-сомони, Ёкут ал-Ҳамовий кабилар ёзib қолдирганлар.

XI асрнинг ажойиб ёдгорлиги бўлган “Қутадғу билиг”, асар юсуф Ҳос Ҳожиб Боласоғуний томонидан 1069 йилда ёзилган бўлиб, унда дехқонлар ва хунармандлар кўчманчи чорвадорларга нисбатан кишилик жамияти учун фойдалироқ эканлиги таъкидаланган: “Дехқонлар(тарихчилар) кишиларнинг яна бир турини ташкил этади, улар керакли кишилардир, бу аниқ. “Сен улар билан алоқа боғла ва хушмуомалада бўл. Улар тўқчилик келтирувчилардир. Ҳамма улардан озиқ-овқат олади”.

Ҳақиқатдан сунъий суғоришга асосланган дехқончиликнинг ривожланиши натижасида мамлакатда тўкин сочинлик барпо бўлди. X-XII асрларда Ўрта Осиёдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро урушлар, Газнавийлар, Қорахонийлар ва Қорахитойларнинг босқинчилик сиёсалари Ўрта осиёдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларга доир ўз даврининг инфратузилмасининг бузилишига олиб келди.

Айниқса ХИИИ аср бошларида Ўрта Осиёнинг Мўғуллар томонидан истило қилиниши ақл бовар қилмайдиган даражада кулфатларга сабаб бўлди. Кўп шахарлар, воҳалар харобазорга айланди, қатор ирригация иншоотлари бузиб ташланди.

Чингизхон кўрсатмаси билан Марв шаҳри аҳолисига, унинг атрофида кўм-кўк чаманзор худудни Мурғоб дарёсидан сув берувчи ажойиб ирригация тизими буткул бузиб ташланган. Аҳоли воҳасининг сувсизлигидан қуриб бораётган қишлоқларидан турли томонга кўчиб кета бошлаган. Кўнгилга ором берувчи яшил боғлар, далалар қалин чанг ва қум билан қопланиб чўлу-биёбонга айланган. Бундай ҳолат ўша даврда она заминимизнинг кўпгина худудларида содир бўлган. Бундан ташқари Хоразмнинг Амударё соҳили бўйидаги кўп жойлар тушкунликка учраб ҳароб бўлиб кетган, чунки мўғул жангчиларининг вайронгарчилик ишлари натижасида суғриш тизими қаровсиз қолиб ишдан чиққан эди. Амударёнинг ўнг қирғоқ бўйидаги ерлар кўп зарар кўрганлиги натижасида ҳозирги Қорақолпогистоннинг ана шу ерида жойлашган баъзи чўлли туманлари мўғуллар истилосидан аввал гуллаб-яшнаб турган воҳалар бўлган. Мўғуллар ҳукумронлиги даврида зироатчи-дехқонлар оғир аҳволга тушиб қолган эди.

Шундай қилиб, XI-XIV асрларда давлатлар ўртасида олиб борилган урушлар, айниқса мўғул истилоси оқибатида юзага келган тушкинлик, кулфатлар ўлкамиздан мавжуд ирригация тизимини бутунлай ишдан чиқарди, яксон қилинди, каналлар ва ариклар бузиб юборилди. Ана шундай шароитда аждодлармиз келажакка умид билан қараб имконборича она заминимиздаги катта бойликлардан ва сувдан фойдаланишлар, ҳосил етиштириб авлодлар давоми ва тараққиётини имкон борича таъминладилар.

## АДАБИЁТЛАР:

1. С.П. Толстов. По уревним дельтам Окса и Яксарта.М,1962 г..ю

2. Ўзбекистон тарихи. 1 томлик, биринчи китоб
3. Бобурнома. Записка Бобура, Тошкент, 1958 г.
4. Я.Г. Гулямов. К изучению уревых водных сооружений в Узбекистон."Изв. АА ЎзССР, 1955 г.
5. З.С. Исҳақов. Фарғона водийсида сугорма дехқончилкнинг тарихий илдизлари, ривожланиш босқичлари. //Ўзбекистон ҳудудида дехқончилик маданиятининг тарихий илдизлари. Ва замонавий жараёнлар. Тошкент. 2006 й.

**РЕЗЮМЕ:**

Ўрта Осиё қадимдан дехқончилик маданияти ривож топган ўлкалардан бири бўлган. Босқинчиликлар натижасида ўлкада мавжуд ирригация тизимининг издан чиқиши сунъий сугорма дехқончиликнинг тушқунликка тушиб қолишига сабаб бўлди. Мазкур мақолада ўрта асрларда ирригация тизими тарихи ўлкадаги ижтимоий-иктисодий ривожланишга таъсири хақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Ирригация, дехқончилик, сугорма дехқончилик, дехқончилик маданияти, қишлоқ хўжалиги

**РЕЗЮМЕ:**

Центральная Азия издавна была одной из стран, где развита земледельческая культура. В результате нашествий существовавшая ирригационная система в стране была выведена из строя, что привело к упадку искусственного ирригационного земледелия. В данной статье рассматривается влияние истории ирригационной системы на социально-экономическое развитие страны в средние века.

**Ключевые слова:** Ирригация, земледелие, орошающее земледелие, земледельческая культура, земледелие.

**RESUME:**

Central Asia was the one of the cultural developing continent from the history. As the results of the invasions, the existing irrigation systems in the country broke down, which led to the depression of artificial irrigation farming. This article discusses the influence of the history the irrigation system on the socio-yeconomic development of the country in the Middle Ages.

**Key words:** Irrigation, agriculture, irrigated agriculture, agricultural culture, agriculture.